

«(Кофир) Инсон Бизни, унинг суякларини жамлай олмас, деб ўйларми? Ха, Биз унинг бармок учларини ҳам асл холига келтиришга кодирмиз».(Куръон 75:3)

Иймон келтирмаган кишиларнинг даъво килишларича, вафот этган кишиларнинг суяклари емирилиб тупрокка коришиб кетган бир холда, кандай килиб кайта тириладилар-у, киёмат кунида кандай килиб хар бири кишини таниб олиш мумкин бўлади? Барча нарсага кодир Аллох бунга жавобан, нафакат суякларимизни йигишга кодир эканини, балки бармокларимиз учларигача кайта тиклашга ҳам кудрати етишини билдирмокда.

Кишининг шахсиятини аниклаш борасида гапирар экан, Куръон нега айнан бармок учлари хакида тўхталмокда? 1880 йилда, Сер Франсис Голт олиб борган тадқиқотдан сўнг, бармок изларидан фойдаланиш кишилар шахсини тасдиқловчи илмий услуга айланди. Бир кишининг бармок излари дунёдаги бошка хеч кимники билан айнан бир хил бўлмас экан, хаттоки эгизакларда ҳам. Шунинг учун ҳам бутун дунёда, полиция жиноятчиларни аниклаш борасида бармок изларидан фойдаланади.

Бир минг тўрт юз йил илгари, хар бир кишининг бармок излари бетакрор эканини ким билган бўлиши мумкин? Жавоб аник, буни бирон кимса билган бўлиши мумкин эмас, магар Яратувчининг ўзи!